

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАНОВА ТАМАРА ЖУРАЕВНА

**МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – ЁШ АВЛОДНИ
ҒОЯВИЙ ҲИМОЯЛАШ ОМИЛИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Хўжанова Тамара Жураевна

Мафкуравий профилактика – ёш авлодни ғоявий
ҳимоялаш омили (ижтимоий-фалсафий таҳлил)..... 3

Хужанова Тамара Жураевна

Идеологическая профилактика – фактор идейной защиты
молодого поколения (социально-философский анализ)..... 21

Xujanova Tamara Juraevna

Ideological prevention is a factor in the ideological protection
of the young generation (social-philosophical analysis) 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАНОВА ТАМАРА ЖУРАЕВНА

**МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – ЁШ АВЛОДНИ
ҒОЯВИЙ ҲИМОЯЛАШ ОМИЛИ
(ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fal225 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Худайбергенов Абиджон Адилевич
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366)239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__»_____куни тарқатилди.
(2021йил «__»_____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Қ.Б.Шадманов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раис ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда вужудга келган глобал ижтимоий-сиёсий муносабатлар барқарорлигини таъминлашда фуқароларни маънавий-мафкуравий ҳимоялаш масаласи ҳар қачонгидан долзарб тус олиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда глобал миқёсда кучайиб бораётган маънавий таҳдидлар, ғоявий-мафкуравий хуружлар, маънавий-ахлоқий бузуқликларга қарши жамиятда мафкуравий профилактиканинг ғоявий ҳимоялаш асослари ва механизмларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ёшлар ижтимоий-демографик қатламининг мафкуравий онги, маънавий иммунитетини, ахлоқий сифатларини ривожлантиришда ва уларни ҳар томонлама ғоявий ҳимоялашда мафкуравий профилактиканинг конструктив аҳамияти ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида мафкуравий профилактиканинг мазмун-моҳияти ва концептуал асослари юзасидан илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш ва тарбиялаш усул-воситалари, ахборот хуружини олдини олиш, ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида замонавий тарғибот системасининг мазмуни, мақсади ва вазифалари, мафкуравий профилактиканинг ижтимоий жараёнларга таъсирини таҳлил қилишга қаратилган фундаментал тадқиқотлар муҳим илмий аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, мафкуравий профилактиканинг самарадорлигини ошириш, ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш масаласи ижтимоий-фалсафий жиҳатдан устувор аҳамиятга эгадир. Зеро, бугунги ижтимоий тараққиёт инсоннинг маънавий-руҳий, ижтимоий қиёфасига таъсири инсон маънавий оламини бир бутун, яхлит тизим сифатида илмий тадқиқ қилиш заруриятини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда маънавий соғлом ва жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш, улар онгига миллий ғояни сингдириш усул-воситаларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. “Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда”¹. Бу вазифани бажариш учун миллий маънавий тарғибот жараёнини модернизация қилиш масаласи тадқиқотнинг махсус объектига айланиши зарур. Шу боис мафкуравий профилактиканинг янги илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш, функционал интеграциялаш ва ижтимоийлашиш хусусиятларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда асослаб бериш илмий жамоатчиликнинг тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

¹Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 1 октябрь, № 207 (7709). - Б.3.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” Қарори, 2019 йил 8 апрелдаги ПФ-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фан концепцияси” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кундаги дунёнинг мафкуравий манзараси бутун инсоният олдига кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Бу бир томондан тараққиёт деб номлансада, бошқа томондан инсониятни мисли қўрилмаган хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Энг ачинарли жиҳати содда ва мустақил тафаккурга эга бўлмаган болаларнинг умрига зомин ҳам бўлмоқда. Жамиятнинг туб ўзгаришлар негизида мафкуравий тафаккур, мафкуравий профилактика ва уни ғоявий ҳимоялаш ётади, мазкур тафаккурсиз давлат ва ёшлар ўртасидаги муносабатнинг бўлиши мумкин эмас. Бироқ мафкуравий тафаккурга ижтимоий тараққиёт омили ва алоҳида илмий назарий таълим сифатида қарашнинг шаклланиши таниқли ва хорижий олимлар томонидан ўрганилмоқда. Жумладан Э.Арансон, Э.Бернейс¹, У.Липпман, Р.Лифтон Э.Пратканис кабилар билан боғлиқдир. Хорижлик олимлар ушбу феноменни кенг қамровли тадқиқот объекти сифатида умумий жиҳатларини тадқиқ этишган бўлса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари И.Ашмарин, Н.А.Бердяев, В.С.Барулин, В.А.Беляев, В.Виндельбанд, К.Герасимов, Ф.И.Гиренко, Ю.П.Евдокимова Э.Ильенков, Л.И.Казакова, А.Новиков, А.В.Осипова, Т.Н.Патрихина, И.Б.Сесюнина, М.Т.Степаняц², Д.А.Шламова, А.И.Яценко, ва бошқа тадқиқотчилар томонидан масаланинг фақат хусусий томони ўрганилган.

¹Бернейс Э. Пропаганда. - М.: Hippo Publishing LTD, 2010.

² Степаняц М.Т. Человек в традиционном обществе Востока // Вопросы философии. 1991. №3. С. 140-151.

Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг мустақил ижтимоий тараққиётида мафкуравий профилактика жараёнларининг хусусиятларини ўрганиш ва уни тизимли тарзда шакллантириш, бошқариш, ривожлантириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, А.Эркаев, А.Ачилдиев, А.Мухторов, М.Қуроноф, М.Юлдашова, С.Атамуратов¹, Э.Юсупов², Қ.Н.Назаров ва бошқа олимлар мафкуравий профилактика жараёни субъектларининг ижтимоий-иқтисодий маданиятини шакллантириш ва сиёсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Шу билан бирга мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ёшларни ғоявий мафкуравий ҳимоялаш ва унинг мазмун-моҳияти ҳамда намоён бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ масалалар билан бирга бугунги глобаллашиб бораётган дунёдаги турли мафкуравий хавф-хатарлар, уларни юртимиз ҳаётига таъсири ва таълим-тарбия мавзуларига бағишланган илмий тадқиқот йўналиши дейиш мумкин.

Айни масалада, Ж.Я.Яхшиликф, Н.Э.Муҳаммадиев³ ва А.С.Ачилдиевларнинг⁴ тадқиқотларида мафкуравий профилактиканинг халқимизга ёт бўлган ғоя ва мафкураларнинг олдини олиш ҳаётий зарурият эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, асосий эътибор миллий ғоя талаблари асосида маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий профилактика олиб бориш масаласини умумназарий жиҳатдан ёритиб беришга қаратилган.

Бироқ юқорида эслатиб ўтилган асарларда мафкуравий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш асослари ва механизми етарлича ўрганилмаган. Шу боис биз тадқиқот ишида мафкуравий профилактикани илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш, унинг ижтимоийлашув тизим фаолиятини функционал интеграциялаш ва ижтимоийлашиш хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ҳамда асослаб беришни кўзда тутдик.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний қадриятлар ва жамият барқарорлиги” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсиб келаётган ёш авлод вакилларини турли ёд ғоялардан ҳимоялашда мафкуравий профилактиканинг конструктив аҳамиятини асослаш ва унинг илмий-концептуал асосларини такомиллаштириш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Атамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. - Тошкент: O'zbekiston, 2013. – 456 б.

² Юсупов Э. Миллий ғоя ва мафкура: моҳияти, ижтимоий-тарихий илдизлари ва аҳамияти. - Тошкент, ЎзМУ, 2000. 79 б.

³ Яхшиликф Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. – Тошкент: «Фан», 2017. – 424 б.

⁴ Ачилдиев А.С. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – 96 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш ва маънавий камолотида мафкуравий профилактикани энг муҳим омил сифатида ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

глобаллашув шароитида мафкуравий профилактикани такомиллаштириш жараёнида миллий урф-одат, анъана ва диний қадриятларнинг таъсирини таҳлил этиш;

мафкуравий профилактиканинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги конструктив аҳамиятини кўрсатиб бериш;

мафкуравий профилактиканинг концептуал асосларини назарий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда глобаллашув шароитида ёш авлодни ғайриинсоний ғоялардан ҳимоялаш тизими танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети мафкуравий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили сифатидаги аҳамиятини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фалсафанинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, анализ ва синтез, умумийлик, хусусийлик ва яккалик, тарихийлик ва мантиқийлик каби илмий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон миллий-маънавий салоҳиятининг намоён бўлишида миллий анъана, хулқ-атвор, ахлоқ-одоб, диний ақидаларнинг муштараклиги бирламчи омил эканлиги фалсафий асосланган;

мафкуравий профилактиканинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги конструктив аҳамияти ва стратегик йўналиши давр характери нуқтаи назаридан очиб берилган;

мустақкам оилани шакллантиришда мафкуравий профилактикани субстанционал тарбиявий функциясининг узлуксизлик тамойили далилланган;

ёшларни мафкуравий тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш диалектикаси фалсафий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диссертацияда мафкуравий профилактикани такомиллаштириш усул ва воситалари умумлаштирилган бўлиб, бу ўз навбатида ёшларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтиришга имкон берган;

ёшларни мафкуравий профилактика руҳида тарбиялашга доир илмий хулосаларидан ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқишда услубий кўрсатма сифатида фойдаланилган;

мафкуравий профилактикани амалга ошириш йўллари янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий

маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги тақриз, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ёш авлодни ғоявий ҳимоялашга доир тушунчалар аппаратини янада бойитишга, маънавий тарғибот ва ташвиқотнинг мазмуни, вазифалари, усул ва воситаларини бойитишга ҳамда мавзуга доир тадқиқотлар олиб борувчилар учун илмий манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унда баён этилган таклиф ва тавсиялардан ижтимоий-сиёсий дастурларни, йўл хариталарни яратишда, бакалаврият таълим йўналишида ўтиладиган “Фуқаролик жамияти” ва “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” каби фанларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, бир қанча ижтимоий фанлар бўйича ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда назарий ва амалий материал сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мафкуравий профилактика – ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили эканлигига доир ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

инсон миллий-маънавий салоҳиятининг намоён бўлиш шакли сифатида миллий анъана, хулқ-атвор, ахлоқ-одоб, диний ақидаларнинг муштараклик рамзига доир таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Миллий ғоя негизларини асраб-авайлаш, уни ҳимоя қилиш шарт-шароитлари ва омиллари” деб номланувчи 11-боби мавзуларини ва “Ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда миллий ғоянинг аҳамияти” деб номланувчи 23-бобининг мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 89-03-5216-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда миллий ғояни ривожлантириш ҳамда ёшларнинг мафкуравий иммунитетини янада кучайтиришга хизмат қилган;

ёшларни мафкуравий профилактика руҳида тарбиялаш жамият тараққиётининг гарови эканлиги асосланганлигига оид амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф-тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017-2018 йилларга мўлжалланган “Мамлакатимиздаги барча фуқаролик, ижтимоий ва демократик институтлар ўртасида миллий ғояни кенг тарғиб қилиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш масалалари” мавзусидаги ПЗ-20170930366 рақамли амалий грант лойиҳаси режалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 12 августдаги 0209-1067-сон маълумотномаси). Натижада, узлуксиз маънавий тарбия ҳамда миллий ғоя тарғиботида,

шунингдек, тарғибот материаллари ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда назарий манба бўлиб хизмат қилган;

мустақкам оилани шакллантиришда бўлғуси келин-куёвларни умуминсоний кадриятлар ва эзгу анъаналарга муносиб руҳда тарбиялашга доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг “Бўлғуси келин-куёвларнинг инновацион мактаби” мавзусидаги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга оид ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2019 йил 24 октябрдаги 997-сон маълумотномаси). Натижада, ёш оилаларни меҳрли бўлишга даъват қилиш ва оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини кучайтиришга самарали хизмат қилган;

ёшларни мафқуравий жиҳатдан тарбиялаш асосида уларнинг дунёқарашини юксалтиришнинг назарий ва амалий масалаларига оид таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан республикамизнинг Сурхондарё, Самарқанд ва Қорақолпоғистон сингари ҳудудларида 2019 йил июль-август ойларида ўтказилган “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни” танлови концепцияси сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 10 декабрдаги 0413/6193-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар касбий маҳоратини ошириб боришга ва дастурларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари,

тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Мафкуравий профилактика – ёш авлодни ғоявий ҳимоя қилишнинг илмий-амалий концептуал асоси”** деб номланган биринчи бобининг **“Ёшларни ғайриинсоний ғоялардан қонуний тарзда ҳимоя қилиш зарурияти”** деб номланган биринчи параграфида ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларнинг онгини захарловчи ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзбек халқини мустақилликдан маҳрум қилишдан иборат бўлган манфур мақсадларининг сир-асрорлари очиб берилган. Маълумки, мустақиллик ҳимоя қилингандагини, шукуҳли ва ишончли қўлларда бўлади. Бугун Ўзбекистонни қуролли ҳужум йўли билан маҳв этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ғанимлар маънавий-мафкуравий таҳдид усулини қўлламоқда. Ҳар қандай таҳдид, у қандай мазмун ва шаклда бўлмасин қонун йўли билан бартараф этиш орқали ҳал этилсагина адолатли бўлади. Шу сабабли мамлакатимиз аҳолисини, хусусан ёшларини етти ёт бегона ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилиш учун қонунчилик базасини яратиш тарихий зарурият эди. Шунинг учун ҳам 1991 йилдан бошлаб 2020 йилгача бўлган даврда Конституция ва кодекслардан ташқари, бу соҳада 25 яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 38 дан ортиқ фармони ва 18 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 53 та қарори, 54 та идоравий-меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган.¹ Шулар орасида ёшларни ғайриинсоний ғоялардан қонуний тарзда ҳимоя қилишнинг илмий-амалий концептуал асосларини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган” Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуни”² нинг концептуал моҳияти ёритилган. Шунга кўра, *мафкуравий профилактиканинг илмий-амалий концептуал асослари деб мамлакат аҳолисини мустақилликка садоқат руҳида тарбиялашнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, уларни ғайриинсоний ғоя ва мафкуралардан асраш, тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш учун давлат ва илмий жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилган илмий-амалий чора-тадбирлар тизимига айтилади*, деган фалсафий таъриф берилган.

Биринчи бобнинг **“Мафкуравий профилактика ва унинг ғоявий-мафкуравий жараёнлар тизимида тутган ўрни”** деб номланган иккинчи параграфида, муаллиф томонидан *профилактика – бу индивид, шахс, гуруҳ, элат, миллат, халқ, давлатларнинг яшаш ва меҳнат фаолиятига таҳдид солувчи нарса, ҳодиса, воқеаларнинг олдини олишга қаратилган илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирларга айтилади*, деган фалсафий таъриф берилган бўлиб, у объектив жараёнларнинг субъектив ифодаси сифатида тадқиқ қилиниб, унинг тиббий, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол,

¹Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Ҳуқуқий ахборот” канали материаллари асосида тайёрланган //https://uza.uz/oz/society/adliya-vazirligi-u-u-iy-masla-at-zarur-b-iganda-bizga-murozh-25-04-2020

² Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуни. – Тошкент: Адолат, 2016. – 80 б.

ғоявий-мафкуравий, мазмунига кўра ижобий ва салбий тур ва шаклларга ажратилиб таснифланган.

Олимларнинг мафкуравий профилактига ҳақидаги таърифлари таҳлил қилиниб, бирдан бир тўғри фикр сифатида Я.Ж.Яхшиликков томонидан: *“Мафкуравий профилактика – бу ғайриинсоний ғоя ва мафкураларнинг олдини олиш, уларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун давлат, жамоат ташкилотлари томонидан кўриладиган чора-тадбирлар тизимидир”*¹, деган таърифни эътироф этган ҳолда, жамиятнинг маънавий ҳаётида юз берадиган мафкуравий жараёнлар тизимидаги ўрни: ёшларнинг табиий-тиббий жиҳатдан генафони бузилишининг олдини олиш; ёшлар ўртасидаги юзага келадиган мафкуравий муносабатларни тартибга солиш; ёшларни, уларнинг онгини заҳарлашга қаратилган бузғунчи ғоя ва мафкураларнинг келтириб чиқарувчи оқибатларидан огоҳлантириш; ёшларни интернет тармоқлари орқали тезликда тарқатилаётган бузғунчи ғоя ва мафкураларнинг хуружидан асраш; ёшларни ғайриқонуний ишларни бажаришга чорловчи ғоя-мафкураларнинг субъектларига нисбатан қонуний тартибда чораларни кўриш кабилар билан ифодалананиши баён қилинган.

Биринчи бобнинг **“Мафкуравий профилактика – ёшларнинг фуқаролик масъулиятини ошириш ва такомиллаштиришнинг тезкор амалий услуб ва воситаси”** деб номланган учинчи параграфда жамият тараққиётининг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичига ўтишда ёшларнинг фуқаролик масъулиятини ошириш ва такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бундай улкан вазифани бажаришда ёшларнинг аксарияти масъулиятни ҳис қилса, айримлари ҳис қилмаслиги ҳам мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда *“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун”*нинг 5-моддасида: *“ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш; ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш”*², – зарурлиги белгилаб қўйилган. Шу қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда *“ёшларнинг фуқаролик масъулияти”* тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф берилган. *Ёшларнинг фуқаролик масъулияти деб бирон бир мамлакат ҳудудида тузилиб ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган*³ *фуқароларнинг давлатнинг асосий қонунда белгилаб берилган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини бажаришда содир этган хатти-ҳаракатларининг оқибати, натижаси учун жавобгарликни ҳис қилиш қобилиятига айтилади. Анашу қобилиятни ошириш ва такомиллаштиришда мафкуравий профилактика метод ва восита сифатида: ёшларни жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида содир*

¹ Яхшиликков Ж.Я, Мухаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2018. – Б. 521. (684 б.)

² Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуни. – Т.: Адолат, 2016. – Б.4.

³ Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонуни. – Т.: Адолат, 2016. – Б.5.

бўлаётган воқеа, жараён, ўзгаришларнинг ҳақиқий аҳволи; жамиятни янгилаш учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳаларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, уларни бажаришда бўлаётган қийинчиликлар; мамлакат аҳолисининг “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолиш сабаблари ва ундан фориғ бўлиш йўллари; халқнинг тинч-осуда яшашига халақит берувчи, таҳдид солувчи кучларнинг асл мақсадлари, уларнинг молиявий имкониятлари ва шу кабилар ҳақида ёшларни огоҳ қилиш ва айни вақтда уларни ғоявий-мафкуравий, ахлоқий, касбий жиҳатдан бузишга уринаётган кимса-субъектларни зарарлантириш воситаси ҳам эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Мафкуравий профилактика – ёш авлоднинг мамлакат мустақиллиги ҳақидаги мафкуравий онгини шакллантириш ва ривожлантириш омили”** деб номланган иккинчи бобининг **“Ёшларнинг мафкуравий онгини шакллантириш – мустақилликни янада мустаҳкамлашнинг маънавий манбаи”**, деб номланган биринчи параграфида “мафкуравий онг” тушунчаси бир неча маъноларда қўлланиши ва моҳиятига кўра тарихий, ижтимоий-фалсафий, иқтисодий, социологик ғоя ва қарашлар билан боғлиқ тарзда намаён бўлиши таҳлил қилиниб, *мафкуравий онгнинг предметини инсоннинг ғоя ва мафкура соҳасидаги турли шаклларда намоён бўладиган, муайян мақсадга қаратилган ижтимоий фаолияти ташкил қилади* деган хулосага келинган. Мафкуравий онг предмети ҳар қандай ҳолатда ҳам нафақат “субъект-объект” муносабати, балки “субъект-субъект” муносабати бўлиб, унинг асосий вазифаси – ўзига ўхшаган субъектени, унинг субъектив фаолиятини, шунингдек ўзга одамлар, ижтимоий бирликлар (субъектлар) фаолиятини реаллик сифатида тушунмоқдан иборат. Мафкуравий онгда объект ва субъектнинг серқирра ҳамда мураккаб алоқаси мавжуд бўлади, яъни диомий акс эттиришни акс эттириш юз беради. Шу маънода, ҳар қандай мафкуравий жараёнда фикрлар ҳақида фикр, сўз ҳақида сўз юритилади, тушунча ва тамойилларнинг мазмун-моҳияти тавсифланади ва изоҳланади. Мафкуравий онг бундан бошқача амал қилиши мумкин эмас, зеро, инсон доимо бошқаларнинг ўзига ўхшашини ёки ўзининг бошқага ўхшашини хоҳлайди. Яъни, мафкуравий онгшу йўналишдаги тафаккур асосида шаклланадиган фикр, мулоҳазанинг асоси бўлган мақсад ёки идеални яратади, ўз соҳибини унга интилишга ундайди. Демак, ёшларимиз онгига “Озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон яшаш” деган бош ғояни ўзида акс эттирувчи мафкуравий онгини шакллантириш асосида ҳосил қилинган фалсафий тафаккур услуги – мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, қолаверса, ҳар бир ёш авлоднинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришнинг маънавий манбаи эканлиги социологик тадқиқотлар натижасида исботланган.

Иккинчи бобнинг **“Мафкуравий профилактика – ахборот коммуникациялари орқали мустақилликнинг ғоявий-мафкуравий асосларига қарши қилинаётган маънавий таҳдидларнинг олдини олиш воситаси”** деб номланган иккинчи параграфида буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримовнинг: “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини,

эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфор­мацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”¹, деган таърифларини ва профессор А.Мухтаровнинг маънавий таҳдидларни: 1) мафкуравий таҳдидлар – миллий кадриятларни камситиш; космополит ғояларини мақташ; миллий тараққиёт моделига ишончсизлик билан қараш; 2) ғоявий таҳдидлар: ахлоқий бузуқлик; зўровонлик; миллий низоларни келтириб чиқаришга уруниш; ёшлар онгини заҳарлаш; 3) инфор­мацион таҳдидлар: – ОАВ лари орқали давлатнинг миллий сиёсатини танқид қилиш; сохта хабарлар тарқатиш; муҳолифларни гиж-гижлаш; раҳбарларни золим қилиб кўрсатиш² каби таснифларини методологик асос қилиб олган ҳолда мамлакат мустақиллигини мустакамлашга ахборот коммуникациялари орқали қилинаётган маънавий таҳдидларга қарши ёшларни мафкуравий профилактик ҳимоя қилиш тизими воситалари: кибер уруш, кибер хавфсизликни таъминлашнинг маъно-мазмунини, унинг келтириб чиқарадиган оқибатларини барча аҳоли қатламларига тушунтириш ишларини олиб боришни ташкиллаштириш; матбуот, телевидение, радио, интернет орқали узлуксиз маънавий-мафкуравий тарбия тизимини ишга тушуриш; шулар орқали сохта хабарларнинг ёлғон-яшиқлигини далиллар билан исботлашни йўлга қўйиш; изчил тарзда мафкуравий иммунитетни шакллантириб боришнинг янги усулларидан фойдаланиш; тез-тез халқ билан мулоқот қилиб туриш, уларнинг билдирган фикр, таклиф ва тавсияларини ўрганиб чиқиш орқали тезликда жавоб қайтариш; ғоявий-мафкуравий бузилишга мойил бўлган ёшлар билан яқка тартибда маънавий тарбия ишларини олиб бориш, уларнинг натижаларини “маънавий тарбия” дафтари­га ёзиб бориш, натижаларини эса маҳаллий матбуотда “интервью”, “суҳбат” тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш ва бошқалардан иборат эканлиги уқтирилган..

Диссертациянинг **“Ёш авлодни ғоявий ҳимоя қилишда замонавий руҳдаги мафкуравий профилактика метод ва воситаларидан фойдаланишни ташкил этишнинг илмий-амалий жиҳатлари”** деб номланган учинчи бобининг **“Замонавий руҳдаги ғоявий тарғибот ва мафкуравий ташвиқот – мафкуравий профилактика ишларини янги­ча ташкил этишнинг маънавий асоси”** номли биринчи параграфида диссертант томонидан: *“замонавий руҳдаги ғоявий тарғибот ва мафкуравий ташвиқот”* тушунчасига қуйидагича, *яъни замонавий руҳдаги ғоявий тарғибот ва мафкуравий ташвиқот деб жамиятнинг барча ҳаёт соҳаларида туб ўзгартиришлар қилишга қаратилган, уни бир босқичдан иккинчи юқорироқ босқичга ўтказиш учун қиланаётган саъй-ҳаракатларнинг мақсад ва вазифаларини ўзида мужассамлаштирган ғояларни барча аҳоли*

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б13-14. (1766)

²Мухтаров А. Ҳаракатлар стратегияси – мамлакатни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва мафкуравий асослари: ижтимоий-фалсафий назария ва амалиёт. –Т.: “Фан ва теология”, 2018. – Б.121-122 (168 б)

қатламларининг орасида ёйиш орқали, уларнинг онгига кучли таъсир ўтказиш учун оғзаки ёки ёзма равишда ташкил қилинадиган ишлар, тадбирларга айтилади, деган фалсафий таъриф берган.

Замонавий руҳдаги ғоявий тарғибот ва мафкуравий ташвиқотнинг маънавий-ғоявий манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” (2017 й.), “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” (2018й.), “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” (2019 й.), “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” (2020 й.) деб эълон қилинган, ўзининг мазмуни ва илмий-амалий моҳиятига кўра тактик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган ғоялар ташкил қилиши асослаб берилган. Масалан, биргина шу ғояларни амалга ошириш учун “Ёшлар – келажакимиз” дастури қабул қилиниб, уни ОАВ орқали тарғиб-ташвиқ қилиш туфайли 227 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, мохир ҳунармандлар хайрли ишларга жалб қилиниб, ғайрат-шижоат билан халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилилаётган бўлса, қисқа муддат ичида ҳудудларда 27 та “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари ҳамда 157 та “Ёшлар меҳнат гузари” ташкил этилиб, уларда 2 минг 200 нафардан ортиқ ёшлар ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборганлар. Шунингдек, “Ҳар бир ёшга – бир гектар” лойиҳаси бўйича барча ҳудудларда 65 мингга яқин ёш деҳқонларга 54 минг 232 гектардан зиёд ер ажратилиб берилган. Натижада, сўнгги уч йилда 560 минг 200 нафарга яқин ёш фуқаро иш билан таъминланди¹. Буни ҳақли равишда янгича ғоявий-мафкуравий тафаккур асосига қурилган мафкуравий профилактика натижасида ёшларни ғайриинсоний мафкуралар таъсиридан асраб, уларнинг куч ғайратини янги бунёдкорлик ишларига жалб қилиш демакдир.

Диссертациянинг **“Ёшларнинг ғоявий тушкунликка тушишига қарши мафкуравий профилактика ишларини олиб бориш методикаси”** деб номланган иккинчи параграфида ҳар бир ёш ўғил-қизларнинг ўз олдига олижаноб мақсадлар қўйиб, уни амалга ошириш учун кўпгина хаёлий орзулар қучоғида яшаши, уларнинг эса аста-секин шаклланиб ғоялар тизимига айланиши баён қилинган. Диссертант, ана шу орзу қилган ғояларини амалга оширишда, ёшларнинг хаёлий орзуси билан ҳаёт ҳақиқати ўртасидаги номутаносибликларнинг мавжудлиги, уларнинг ғоявий жиҳатдан тушкунликка тушишига сабаб бўлиши ижтимоий-фалсафий жиҳатдан талил қилинган ҳолда *“ёшларнинг ғоявий тушкунликка тушиши” тушунчасига – ҳаётнинг аччиқ-чучук зарбалари борлигини етарлича тасаввур қила олмасдан яшаш учун кураш қоидаларини тўлиқ эгалламаган ёшларнинг жушқин ҳаётдан воз кечиб ақл-ирок, ақл-фаросат, ақл-хушидан айрилиш ҳолатига тушиб қолишига айтилади*, деган таърифни берган. Мазкур фалсафий таъриф, амалда айрим ёшларнинг жиноятчилар тўдасига қўшилиб кетиши, ўзининг жонига қасд қилиши, одамови бўлиб қолиши ва бошқа

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 29.06.2020/<https://president.uz/uz/lists/view/3683>.

шунга ўхшаш ахлоқий-маънавий бузилишларнинг мавжудлигини таҳлил қилиш орқали исботланган.

